# ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТЧИЛАРИ ТАҚДИРИГА ДОИР

**С.А.ҲОШИМОВ**

*Мақола совет ҳокимиятининг Туркистон мухториятини ағдариш чоғида мухтория т қатнашчиларига ва ерли халққа нисбатан юритган қатағон сиёсати масалаларига бағишланади.*

***Калит сўзлар**: Туркистон мухторияти, феврал инқилоби, автаномия, қатағон, тройка.*

*В статье раскрывается репрессивная политика советского государства против местных жителей и сторонников автономии в период свержения Туркестанского мухтарията.*

***Ключевые слова**: Туркестанская автономия, февральская революция, автономия, репрессия, тройка.*

*This article is devoted to the problems of the policy of repression of the former Soviet government which was used against the native people and participants of Turkestan autonomy in the fight against this autonomy.*

***Key words**: Turkistan autonomy, February revolution, autonomy, repressions, troika.*

Замонавий тарих фанида, айниқса, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида кўплаб тадқиқотчилар Туркистон мухторияти ва унинг тарихи масалаларига янгича ёндашиб, Мухторият ҳукумати халқнинг асрий орзу-ниятлари заминида вужудга келгани, унинг ташкилотчилари эса Ватанини ривожланган, мустақил давлатлар қаторига олиб чиқишга интилган, даврнинг илғор тараққийпарвар кишилари эканлиги, мақсадлари Туркистонни Россиядан ажратиш эмас, балки бутун ўлка аҳолисига демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган дастлабки мустақил демократик давлатни вужудга келтириш бўлганини очиб бердилар. Биз ушбу мақоламизда совет ҳокимияти ерлик халқ хоҳиш-иродаларини ўзида акс эттирган Мухториятни тугатиш чоғида амалга оширган оммавий қатағонлар, мухториятчиларга алоқаси бўлган шахсларнинг кейинги йилларда совет жазоловчи органлари томонидан таъқиб остига олиниши ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

1917 йил 26-28 ноябрда Қўқон шаҳрида Туркистон мусулмонларининг IV қурултойи бўлиб, унда Туркистон мухторияти эълон қилинди. Бу ҳукуматни Туркистондаги барча аҳоли қатламлари ва миллий сиёсий жамиятлар, шунингдек, бошқа европалик вакил аъзолар ҳам қўллаб-қувватладилар. Аксинча, Туркистон мухторияти ҳукуматининг халқ орасида обрў-эътибори ва нуфузи ошиб бориши большевикларни ташвишга солиб қўйди. Туркистон ўлка Советларининг IV съезди (1918 йил 16-29 январь) Туркистон мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолатда деб ҳисоблади, ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш ҳақида қарор қабул қилди [1.153-155]. Бу билан совет ҳукумати ерли халқ миллий демократик давлатчилигининг дастлабки тажрибаси бўлган Туркистон мухториятини қонга ботириб тугатишга қарор қилди. “Туркистондаги барча миллий маҳкамалар тугатилди. Шаҳар думаси тарқатиб юборилди, суд ишлари тўхтатилди. Буларнинг ўрнига оддий рус солдат ишчиларидан “янги судлар” ташкил қилинди. Маҳаллий аҳолининг ерлари қурол кучи билан тортиб олиниб, рус крестьянларига берилди” [2]. Съезд тугаганидан кейин уч кун ўтгач, 1918 йил 30 январда Туркистон ўлкаси ХКС мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатлар бошлади [3.28].

1918 йил 29-30 январда Қўқонда фавқулодда вазият мислсиз даражада кескинлашди. Ана шундай бир шароитда 30 январда Қўқон ишчи ва аскар депутатлари советининг мажлиси бўлди. Унда Туркистон мухториятини ағдарувчи орган – инқилобий қўмита (революцион комитет) тузилди. Унинг раислигига большевик Е.Г.Бабушкин сайланди [4.90]. Инқилобий қўмита таркибига туб ерли аҳоли вакилларидан киритилмади.

Қўмита ўз қўлида чекланмаган ҳокимиятни мужассамлаштирди, унга фавқулодда чоралар кўриш, ҳамма нарсани совет ҳокимиятини ҳимоя қилишга бўйсундириш ва сафарбар этиш ҳуқуқи, ваколати берилди. Инқилобий қўмита олдидаги энг асосий вазифалар мухторият ҳукуматини тугатиш, шаҳар аҳолисини қурол кучи билан совет ҳокимиятини тан олишга мажбур қилиш, «инқилобий тартиб» ўрнатишдан иборат эди. Бу эса оммавий қатағонлар учун кенг йўл очиб берди.

Инқилобий қўмита ишни европалик ишчилар ва темир йўлчиларни қурол билан таъминлашдан бошлади. Айниқса, большевикларнинг Қўқон шаҳридаги арман миллатига мансуб дашноқлар-

ни: баққоллар, сартарошлар ва вино сотувчиларни қуроллантиришлари оммавий қирғинларнинг янада даҳшатли тус олишига сабаб бўлди. Тошкент, Скобелев, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарлардан ҳарбий мадад сўраб мурожаат қилинди.

Айни шу вақтда, 1918 йил январи охирлари – феврали бошларида Совет ҳокимиятининг кучли босими таъсирида мухторият тарафдорлари тутган мавқе шаҳар совети тузилмалари билан тинч-тотув яшашдан ҳарбий қарама-қаршилик томон ўзгариб, очиқдан-очиқ жанговар ҳаракатга айлана бошлади. 1918 йил 29 январдан 30 январга ўтар кечаси совет ҳокимияти томонида турган ҳарбий қисмлар Қўқондаги мухтор республика ҳукумати билан курашни бошлаб, моҳиятан Россияда биринчи бўлиб фуқаролар урушини бошлади[5].

Бу воқеа арафасида Қўқон шаҳар совети пленуми иштирокчилари Мухторият ҳукуматидан 1918 йил 9 январда Қўқонда ташкил этилган қарийб 2 минг кишилик миллий қўшинни дарҳол қуролсизлантириш ва тарқатиб юборишни талаб этиш ҳақида қарор қабул қилди [6].

1918 йил 31 январ кечаси соат учда Фарғонадан тўртта замбарак ва тўртта пулемёт билан қуролланган 120 (айрим маълумотларга қараганда 146) кишилик ҳарбий қисм етиб келди. Шу туннинг ўзидаёқ инқилобий қўмита Мухторият ҳукуматига талабнома йўллаб, кундузги соат учга қадар қурол-яроғни топшириш, ваколатларидан воз кечиб, совет ҳукуматини тан олиш шартини қўйди. Мухторият ҳукумати аъзолари большевиклар талабини жавобсиз қолдирдилар. Шундан кейин инқилобий қўмита Мухторият аъзоларини ҳибсга олиш тўғрисида қарор чиқаради [7.66].

Шу тариқа, Қўқон шаҳрида большевиклар маҳаллий аҳолини қириб ташлашдан иборат оммавий қатағонларни бошлаб юбордилар. Туркистон ўлкаси ХКС Туркистон Мухториятига четдан келадиган ҳар қандай ёрдамнинг олдини олиш чораларини кўрди. 1918 йил 14 февралда бутун Фарғона водийсида ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Фарғона темир йўлида эса қамал ҳолати жорий этилди.

1918 йил 18 февралдан 19 февралга* ўтар кечаси Тошкентдан ўлка ҳарбий комиссари Е.Перфильев бошчилигидаги замбараклар билан қуролланган қўшимча қўшин етиб келди. Перфильев шаҳарни уч тарафдан ўраб олиб, 19 февраль куни эрталаб Эргашга талабнома йўллади. Эргаш унинг талабларини бажаришдан бош тортгач, Перфильев Қўқон шаҳрини 12 замбаракдан ўққа тутди. Кундуз соат 1да бошланган ўқ ёмғири шомгача шаҳарни вайронага айлантирди [7.66]. Шунга қарамай, мухториятчилар таслим бўлмай, ҳар бир бинони, ҳар бир дўконни, ҳар бир карвонсаройни мардларча ҳимоя қилдилар.

Совет ҳукуматининг Туркистон мухториятини ағдаришда дашноқлардан фойдаланиши Қўқонда ҳаддан ташқари хунрезликларни келтириб чиқарди. Воқеа қатнашчиларидан бири А.Т.Каравайцев ўз эсдаликларида бундай ёзади: «Коновалов тўдасидаги арман дашноқлари ўзбошимчаликни ҳаддан ошириб юбордилар. Улар Қўқонга келгунча тинч аҳолини талаб, қирғин қилган»лар [11.51].

Дашноқлар Қўқон шаҳрида мудҳиш ваҳшийликларни амалга оширдилар: Қўқондаги шифохона ёқиб юборилди, унда 500 та яралар ва касаллар бор эди. Қўқон шаҳридаги пахта заводи ишчиларининг 50 та хонадон аъзолари сўйиб ташланди. Қўқон шаҳрининг ўзида 10 та маҳалла аҳолиси сўйилиб, болалари жодидан ўтказилди [8.36-37].

Қўқон аҳолиси даҳшатли қирғиндан ваҳимага тушиб, шаҳарни тарк эта бошлади. Қўқон уч кун машъала бўлиб ёнди. Уйлар, газлама омборлари, нон дўконлари куйиб кул бўлди. Эски шаҳарнинг учдан бири тўлиқ вайрон этилди. Қўқонда даҳшатли манзара ҳосил бўлди. Ҳамма ёқда ўликлар уюми. Уларнинг бир қисми куйиб кетган [9]. Инглиз айғоқчиси майор Блэккер маълумотига қараганда, портловчи моддалар ва тўплар ёрдамида қилинган ҳужум пайтида шаҳар бутунлай вайрон этилган, ўша куннинг ўзида 3000 га яқин одам ўлган [10.5]. Айрим маълумотларга кўра, ушбу фожеали қирғин оқибатида 10000 дан зиёд киши ҳалок бўлган. Шаҳарга 1918 йили келган инглиз капитани А.Брун уни ярим бўш ҳолида кўрган. Унинг ёзишича, шаҳарни босиб олишда иштирок этган немис, австриялик, венгр асирларидан ёлланган солдатлар 100000 сўмдан ортиқ пулни ўмаришган [1.149].

1918 йил 20 февралда, Туркистон мухторияти ағдарилгач, Туркистон мухторияти ҳукуматининг 54 аъзосидан 30 нафари ҳибсга олиниб, суд қилинди. Қолганларнинг бир қисми хорижга қочади, бошқа бир қисми совет ҳукуматига қарши курашнинг яширин формасини танлайди. Туркистон мухториятини ағдариш жараёнида Қўқон ўт ичида қолди. Қўқон шаҳридаги почта, 1000 дан ортиқ магазин ва дўконлар ёниб кул бўлди. 1500 дан ортиқ аҳолининг уйлари ёниб кўчада қолишди [12].

Қўқонни ташлаб кетишга мажбур бўлган Мухтор ҳукуматнинг аъзолари Фарғона шаҳрига бо-

* 1918 йил 1 февралдан бошлаб кунлар янги сана бўйича кўрсатилади. Чунки Совет ҳокимиятининг декрети билан 1918 йил 31 январдан кейин 1 февраль эмас, балки 14 февраль деб ҳисобланди.

риб, халқни намойишга чорладилар. Уларни маҳаллий аҳоли қўллаб-қувватлади. Лекин совет ҳукумати бу ҳаракатни ҳам қизил армия ёрдамида қонга ботириб бостирди. Мухтор ҳукумат аъзоларидан Хидоятбек Оғаев, Миродил Мирзаахмедов қатл этилган [13.75]. Носирхон Тўра Наманганда, С.Герцфельд Самарқандда, Обиджон Маҳмудов Бухорода қўлга олинган. Уларни турли йилларга озодликдан маҳрум этдилар [14.49].

Ш.Шомагдиев берган маълумотларга қараганда, мухтор ҳукумат ағдарилгач ҳам ваҳшийлик, Қўқон ва унинг атрофидаги тинч аҳолини талаш, қирғин қилиш ҳолатлари тўхтамади. Фақат Қўқоннинг ўзида уч кун давомида 10 минг киши ўлдирилди [15.55]. Туркистон мухториятини ағдарган куни большевиклар Қўқон банкидан 8 миллион 223 минг сўмни тортиб олиб қўйган эдилар [16]. Қизил аскарлар ва дашноқлар аҳолини даҳшатга солиш, қўрқитиш мақсадида 1918 йил бошларида Фарғона водийсидаги 180 шаҳар ва қасабани ёндириб, кулини кўкка совурдилар. Даҳшатли қирғинда Марғилон шаҳридан 7000, Андижон шаҳридан 6000, Наманган шаҳридан 2000, Бозорқўрғон ва Қўқонқишлоқ атрофларидан 4500 туркистонлик мусулмонлар шаҳид бўлдилар [16.56]. Бу, албатта, ўлка халқларининг мустамлакачи совет ҳукуматига нисбатан қаҳр-ғазаби ва нафратининг кучайишига сабаб бўлди.

Қўқондаги оммавий қирғинлар тўғрисида Юсуф Халилий шундай ёзади: Қўқон тамом ёниб бўлди. Жумладан, 11 минг ҳовли, 19 та мадраса, 37 та масжид ёниб кулга айланди. Қароқчиқум станциясидан Олтиариқ станциясигача бўлган қишлоқлардаги аҳоли дашноқ арманлар томонидан ўлдирилиб, уйларига ўт қўйиб юборилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлардаги мусулмонларнинг пули, ғалласи ва қўй-моллари қолмади. Ҳаттоки, эски қози ва мингбошиларни тутиб келтирилиб, эллик ва юз минглаб пулларини олишган. Фарғонада ҳар рус солдати ўзи ҳоким, ўзи подшодир [17].

Кўриниб турибдики, большевиклар Туркистонда ўзлари хоҳлаган тарзда ички сиёсат олиб бориб, мақсадга етиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаганлар. Жумладан, Туркистон мухториятини бостиришдаги босқинчилик, талончилик сиёсати, бунда ёлланма кучлардан, хусусан, дашноқлардан фойдаланилгани бунинг ёрқин далилидир. Маҳаллий аҳолини қўрқитиб қўйишдан манфаатдор большевиклар дашноқларга тўла эрк берганлар, ўз навбатида улар ҳам ҳеч нарсадан қайтмаган. Бу ҳақда қўқонлик зиёлилардан Акбархон Саидхонов шундай маълумот беради: “Арман дружиналари Қўқон шаҳрига тушиб, бозорга озиқ-овқат учун келувчи мусулмонларнинг отларини тортиб ола бошладилар. Арманлар бу ерда ҳеч тинч юрмайдилар. Мусулмонларни масхара қиладилар. Туркистоннинг бошқа жойини билмадим-у, аммо Фарғонада арманларнинг ҳаракатини кўрган киши, уларни Фарғонада мутлоқ ҳоким ёки Фарғона арманиларнинг қўл остида, деб ўйлар эди”[18].

Ушбу даҳшатли воқеалардан сўнг ҳарбийлар Қўқон шаҳрини тарк этдилар. Солдатлар ва қизил армия «ўзлари билан вагонларда таланган миллий бойликлар ва кўплаб вагонда асирларни» олиб кетдилар [19]. Ҳарбий советнинг қарорига биноан шаҳарда замбараклар билан қуролланган алоҳида махсус бўлим қолдирилди [20.50].

Туркистон мухторияти ҳукумати аъзолари ва тарафдорларини таъқиб этиш, уларни қатағон домига тортиш сиёсати совет ҳокимияти томонидан бир зум бўлса-да тўхтатилмади. Аксинча, кейинроқ бўлса-да, уларни бутунлай жисмонан йўқ қилинди.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги ҳузурида ташкил қилинган “учлик”нинг 1930 йил 27 октябрдаги суд йиғилишида Туркистон мухтор ҳукумати аъзоларидан бўлган Носирхонтўра Саидкамолхонтўраевни 56 ёшида ўтмишида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий “Қўқон мухтор ҳукуматида вазир лавозимида ишлаган”, 1925 йилдан 1928 йилга қадар совет ҳукуматига қарши фаолияти учун қамалган. Ҳозирда ҳам совет тузумига қарши ташвиқот олиб бормоқда деб отувга ҳукм этди [21.7]. Худди шу кунги йиғилишда “учлик” Носирхонтўра Саидкамолхонтўраевнинг оила аъзолари ва маслакдошлари устидан ҳам ҳукм чиқарди. Носирхонтўранинг фарзандларидан Дадахон эшон Носирхонов отувга, Хасанхон Носирхонтўраев 6 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди [21.8]. Шогирдларидан Мулла Фозил Бобомуҳаммедов, Мулла Нўъмон Каримовлар дастлаб отув жазосига ҳукм этилиб, сўнг ижтимоий келиб чиқишларини ҳисобга олиб отув жазоси 10 йиллик концлагер қамоғи билан алмаштирилди; Юлдашев Мулла Тожибой ҳам 10 йилга озодликдан маҳрум этилди [21.10]. “Учлик” Носирхонтўранинг қайноғаси Сайдулло Мақсудовни 5 йилга озодликдан маҳрум этди [21.10].

Аммо зўрликка, босқинчиликка асосланган ва Туркистон мухториятини тугатишга қаратилган Совет ҳукуматининг шафқатсиз оммавий қатағон сиёсати меҳнаткаш халқ оммаси кўз олдида бу ҳукуматнинг асл мақсади ва моҳиятини очиб ташлади. Туркистон халқларининг эрк ва миллий озодлик курашини сўндира олмади.

**Адабиётлар:**

1. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Т.: Маънавият, 2000.
2. Маҳкамаларнинг ўзгариши / Улуғ Туркистон. – 1917. – 20 декабрь.
3. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йй.) Алимова Д., Каримов Р. ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 2002.
4. Шамсутдинов Р.Т., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб. – Андижон, 2004.
5. Панаров Ю. Белое солнце пустыни…. // Юность. – 1990. – №1.
6. Улуғ Туркистон. – 1918. – 21 январь.
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000.
8. ЎзР МДА. 17-ф., 1-рўйхат, 33-иш. В.36-37; Материалы к истории Советского Узбекистана. – Т., 1957.
9. Улуғ Туркистон. – 1918. – 12, 14, 19 март.
10. ЎзР МДА, Р-1747-фонд, 1-иш, 22-ҳужжат.
11. Воспоминание участников гражданской войны в Андижанской области. Выпуск. 1. – Андижан, 1957.
12. Қўқон шаҳар тарихий-ўлкашунослик музейи илмий фонди материалларидан.
13. ЎзР МДА, Р-615-фонд, 1-рўйхат, 97-иш.
14. Чўқаев М. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). – Т., 1992.
15. Шомагдиев Ш.П. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. – Т.: Фан, 1961.
16. Банклардан ақча олув ҳақида // Улуғ Туркистон. – 1918. – 21 январь.
17. Хўқанднинг ҳалокати // Улуғ Туркистон. – 1918. – 2 апрель
18. Улуғ Туркистон. – 1918. – 16 июль
19. Улуғ Туркистон. – 1918. – 19 март.
20. Победа Октябрской революции в Узбекистане. Т. 1. – Т., 1975.
21. Среднеазиатский кишлак в годы большого террора (Составители: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Хошимов М., Дўстматов Э.П.). – Андижон, 2007.

*Андижон давлат университети,*
*2013 йил 14 сентябрда қабул қилинган*
*(Тақризчи: доц. М.Абдуллаев)*